

2 - 83. Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз

04:11 / 28.05.2017 3526

مَيِّحًا رَلًا نَحْرًا لَلَّهَ لَمَّ سَب

ان اسْحَ اِنِّي دَلْ اَوْلَا بَوَّهَ لَلَّهَ اِلَّا اِن وُدُبَّ عَتَّ اَل لَّيْ اَرْسَا اِن بَقَا ثِيْمَ اِن دَحَّ اُذَا و
اَوْ مَيِّقًا وَا اِن سَحَّ سَا نَلَّ اَوْلُ وُقُو وَا نِي كَسَمَلْ اَوْ اِي مَاتِي لْ اَوْ اِي بَرُقُلْ اِي دَو
نَ وُضُرْعَمَّ مُمْتَنًا وَا مُمْتَنًا اِلَّا اِي لَقَّ اِلَّا اِي مُمْتَنًا وَا مُمْتَنًا اِلَّا اِي لَقَّ اِلَّا اِي مُمْتَنًا

Бақара 83. Эсланг, ўшанда: «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага яхшилик қиласиз ва қариндошларга, етимларга, мискинларга ҳам; одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закотни беринг», - деб Бану Исроилнинг аҳду паймонини олган эдик. Сўнгра озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз.

Мулоҳаза қилинса, Аллоҳ таоло Бану Исроилдан аҳду паймон олган ишлар Ислом дини ҳам буюрган ишлардир. Шундан ҳамма самовий динларнинг бир экани келиб чиқади. Тавҳид ақийдасининг асоси – Аллоҳдан бошқага ибодат қилмаслик аҳду паймон олинган ишларнинг бошида саналаяпти. Ота-онага яхшилик қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Қариндошларнинг қариндошлик ҳаққи бор, уларга ҳам яхшилик қилиш лозим. Етимлар боқувчисиз қолган ёш болалардир. Жамиятда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Шунингдек, мискинлар ҳам турли сабабларга кўра, ҳаёти ноқулай ҳолларга тушиб қолган шахслардир. Уларга ҳам яхшилик кўрсатиш инсоннинг инсонийлик бурчи ҳисобланади.

Оятдаги «одамларга яхши гаплар айтинг» жумласини тафсир қилиб, Имом Ҳасан Басрий:

«Яхши гап – амри маъруф, наҳйи мункар, ҳилму афв, кечирим ва ширин сўзлардан иборатдир», - деганлар.

Намозни қоим қилиш, яъни унинг барча амалларини жой-жойига қўйиб адо этиш ҳамма самовий динларда ҳам асосий ибодатлардан ҳисобланади.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда у киши Набий алайҳиссаломдан:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қайси амал энг афзалдир?» – деб сўраганларида, у зоти бобаракот:

«Ўз вақтида ўқилган намоз», – деб жавоб берганлар. Шунингдек, закот ҳам улуғ молиявий ибодатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Бану Исроилдан мазкур амалларни бажаришга аҳду паймон (таъкидланган ваъда) олган бўлишига қарамай, улар ўз одатлари бўйича, бу аҳду паймондан юз ўгирдилар ва қасддан ортга қараб кетдилар.

ذٰنِثٍ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ يُرِيْدُ الْاِحْسَانَ